

Сиқилган газ сотиш шартномаси № 25

2022 йил, «11» январь

Шўманой тумани

Бизлар, ушбу сиқилган газ сотиш шартномасини (бундан буён «шартнома») имзоловчилар «Shomanay metan» масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда «Етказиб берувчи» деб юритилади) директори О.Жиемуратов ва иккинчи томондан

Шўманой тумани СЭО ва ЖС бўлими
Рахбар Е. Оринбаев

(бундан буён матнда «Сотиб олувчи» деб юритилади) орасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Масъулияти чекланган ва қушимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари, тарафларнинг низом асосида ушбу шартномани қўйидагилар ҳақида туздик.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Етказиб берувчи» қўйидаги маҳсулотни сотиш, «Сотиб олувчи» олдиндан 100% тўлаш шarti билан сотиб олиш мажбуриятларини олади.

№ т/р	Товар номи	Ўлчам бирлиги	Жами йил учун	Жумладан квартал бўйича			
				I	II	III	IV
1	2	3	4	5	6	7	8
1	Сиқилган табиий газ	М ³	4800	1200,0	1200,0	1200,0	1200,0
	(метан)						

1.2. Сиқилган газ (метан)ни «Сотиб олувчи»нинг автотранспорт воситасига етказиб бериш Шўманой тумани, Мамый ОФЙда жойлашган автомобилларга сиқилган газ тўлдириш станцияси (АГНКС) орқали амалга оширилади.

1.3. Сиқилган газ (метан) автомобилга қуйилган сана ушбу шартнома бўйича товар етказиб берилган сана ҳисобланади.

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартнома тузилган кундаги баҳо 1 м³ сиқилган газ учун 2700 ҚҚС билан сўмни ташкил қилади. Умумий шартнома баҳоси 12960000 1 сўм.ҚҚС билан. (Ушбу баҳо шартнома тўғрисида қўйилган шартларга асосан) сўм
Солиқ, хом ашё, материаллар, электр ресурслари, қонунчиликка қўра табиий газ баҳосидаги ўзгаришлар сиқилган газни сотиш баҳосига ўзгариш киритишга олиб келади.

2.2. Ҳисоб-китоб сиқилган газ (метан) автомобилга қуйилган санадаги баҳо бўйича амалга оширилади.

2.3. «Сотиб олувчи» томонидан бир ой учун буюртма суммаси олдиндан 100% тўланганидан кейин «Етказиб берувчи» томонидан сиқилган газ етказиб берилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРМАГАНЛИГИ ЁКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА БАЖАРМАГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЧИЛИГИ

3.1. «Етказиб берувчи»:

- автомобиль ҳайдовчисида гувоҳнома, йўлланма, газ баллонини ўрнатиш ва синовдан ўтказиш далолатномалари мавжудлигини текширади;
- автомобиль ҳайдовчиси АГНКСда белгиланган жойда йўловчиларини тушириб, факат ўзи автомобилда колонка томонга техника ҳавфсизлигини сақлаган, навбатни, бошқа қоидаларни бўзмаган ҳолда киришини назорат қилади;